

ДЕЙЛ
КАРНЕГИ
Чидаш санъати

СИЗ ИЗЛАГАН КИТОБ



Дейл КАРНЕГИ

ЧИДАШ САНЪАТИ

Сиз излаган китоб

Тошкент

«Санъат журнали нашриёти»

2009

Америкалик машхур руҳшунос олим Дейл Карнеги-
нинг бу китоби ҳаётда йўлини йўқотган ёки ўз ўрнига
эга бўлмоқчи бўлган инсонларга катта ёрдам беради.
Таржима ўқувчиларда мароқли таассурот қолдиришига
ишонамиз.

Таржимон: Хайруллоҳ Қосим Элтурк
Нашрга тайёрловчи: Акмал Нажмиддинов

88.37
К 70

ББК88.37
№ 136-2671/2009

ISBN 978-9943-322-58-5

© «Санъат журнали
нашиёти» - 2009 йил.

КИРИШ

Мен ўтгиз беш йил муқаддам ўзимни Нью Йоркдаги энг бахтсиз кишилардан ҳисоблардим. Мен бу ерда юк автомобиллари савдоси билан шуғулланиб, шу орқали гириклигимни бир нав ўтказардим. Аслида техникани, уни ҳаракатга келтирувчи механизмларини унчалик идроқ қилолмасдим. Хуллас, ўша пайтдаги ишим мен орзу қилган юмуш бўлмай, асло қизиқмасдим. Боз устига, сувараклар тўлиб-тошган, энг арzon мебел билан жиҳозланган хонада яшардим. Кийимларим хона деворига қоқилган михда турарди. Эрталаб кийинганимда кийимларимдан, топ-тоза бўйинбогим ораларидан сувараклар визиллаб чиқарди. Овқатланишим ҳам ана шундай жониворларга тўла, арzon ва исқирит ошхоналарда бўларди.

Ҳар оқшом ҳужрамга бош оғриб толиқкан, чорасиз, асабларим зўриқан бир ҳолатда кириб келаман. Мени зам-ҳасрат қуршаб олганди. Алам қиласиган ери шундаки, мен коллежда ўқиб юрган вақтимда юксак орзулар қанотига парвоз қилардим. Афсус, ўқищдан кейинги давримда келажак орзуларим даҳшатли рӯёга айланганди. Мен кутган дабдабали ҳаёт ва тантаналардан ҳамон дарак йўқ эди. Мана шуларни кўз олдимга келтирас эканман, "Шу ҳам ҳаёт, яшашми?!" деб ўртаниб кетардим. "Наҳотки, бутун умрим шундоқ ўтса, нега энди ўзим яхши билмаган, ёқмаган иш билан машғул бўламан? Сувараклар фужфон бўлиб ётган хонада яшаш, шундай ҳолатдаги ошхонада меъдам кўтартмаган овқатларни еб кун кўришдан бошқа чорам йўқми? Бу йўлдан қачон орзудаги келажакка етаман?" Ҳали коллежда ўқиб юрган кезларимдаёқ мен бўш вақтга эга бўлишни истардим. Ана шундай имконият туғилса, ўқиш ва ёзиш учун фурсатим бўларди. Айниқса, китоблар ёзишга иштиёқим баланд эди.

Кўнглимга ўтирмаган ишдан кетсан, ҳеч нарса йўқотмаслигимни билардим. Мени ҳозирча катта маблағлар

қизиқтирмасди. Мен ҳаётимни севимли машғулотга бағишаши истардим. Қысқасини айтсам, мен Рубиконга келдим. (Рубикон - эр. ав. 42 асрда Италия ва Рим ўтасидаги дара дахлсиз чегара бўлган. Эр. ав. 49 йилда Тsezар катта ҳарбий куч тўплаб, Рубиконга келади. У қонун билан қатъий қилиб қўйилган чегарани босиб, фуқаролар уруши бошланишига сабаб бўлади. Шу тариқа "Рубикондан ўтиш" ибораси пайдо бўлиб, "ортга қайтиш ўқ" деган қатъий қарор маъносини англатади... - X.К.) Яъни, ҳар қандай ўз ҳаёт йўлини бошламоқчи бўлган ёш кишилар каби бир тўхтамга келдим. Бу қарорим менинг ҳаёт тарзимни бутунлай ўзгартириши лозим эди. Бу кейинги ўттиз беш йиллик ҳаётимда ҳаёлий орзуларимни рўёбга чиқарган аҳд-паймонимнинг самараси эди.

Мен ўз ишимни ташлаб, қўйидагича ҳаракат қилган эдим. Мен Миссури штатидаги педагоглар коллежини таоммуган эдим. Бу кечки мактабларда катталар учун дарс бериш имконини берарди. Айни вақтда бўш вақт топиш, китоб ўқиш, лекцияларга тайёрланиш, роман ва ҳикоялар ёзишимга мос тушарди. Мен "Ёзиш учун яшаш, яшаш учун ёзиш"ни ҳаётий шиор қилиб олишга интилардим.

Хўш, кечки мактаб ёшларига қандай фандан дарс беришим мумкин? Колледждаги машғулотларни эсларканман, умуман олганда, кишилар билан мулоқот санъатини ўрганиш ва ўргатиш маъқулроқ туюлди. Нега? Сабаби - нотиқликка мойиллик менда кучлироқ эди. Шу мойиллик туфайли ўзимдаги журъатсизлик ва ишончсизликни, тортиноқчиликни енгтан эдим. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим жоизки, кўплаб битмаётган ишлар, шартномалар ўзаро муносабатлардаги қовушмаслик, бошқача ифодалаганда, иш юришмаслиги бевосита мулоқотлардаги тортиноқчилик ва журъатсизлик оқибатидир. Мен шуни англаш етгандимки, ўз нуқтаи назарини, қарашларини кишиларга ёрқин етказолган, тушунтира оладиган шахсларгина раҳбарлик даражаларига ҳам лаёқатлидирлар.

Юқоридаги қарашларимдан келиб чиқиб, Колумбия ва Нью Йорк университетларига нотиқлик санъати бўйича кечки курсларда дарс бериш учун ариза бердим. Қарангки, бу ўкув даргоҳларида менинг машғулотларимсиз ҳам нотиқлик санъатини эгаллаш мумкин экан. Мен бундай "муомала"дан ранжиган бўлсам-да, сал ўтмай, ишларим ўнгланиб кетди.

Ёшлар ассоциациясининг кечки мактабларида дарс бера бошладим. Мен бу ерга ишга кирар эканман, уларга аниқ натижаларни кўрсатиб, ўз даъволаримни тезроқ исботлашим зарур эди. Қаршимда оғир ва мураккаб вазифа турарди.

Машғулотга қатнашаётганлар шунчаки диплом учун ёки шунчаки ижтимоий ётишмовчилик маслаҳати учун келишмас эди. Уларнинг мақсади битта - улар ўзларининг муаммоларига жавоб олишни истардилар. Улар ҳар қандай баҳс-мунозараларда ўз фикрларида сабот билан туриш, амалий йиғилишларда, ишбилармон кишилар билан мулоқотларда ҳаяжонланмай, дудуқланмай мақсадларини очиқ-ойдин етказишини хоҳлардилар. Савдо вакиллари ўзларининг миқ этмайдиган мижозлари олдига кириш ва жасорат йиғиш учун бино-кварталларни уч марта айланиб ўтиш ташвишларидан қутулишни истардилар. Улар ўзларидаги тортиноқчиликдан халос бўлиш, кучларига ишонган ҳолда фаолиятга киришишни хоҳлардилар. Бу интилишлар замирида ўз ишларини олға силжитиш эвазига кўпроқ маблағ топиб, оиласарини тезроқ оёққа турғазиши орзу қилардилар. Улар ўқиш учун даврий бадал тўлардилар. Бордию машғулотлар кутилган натижани бермаса, тингловчиларим бадалларни ўз вақтида тўламасдилар. Бунинг эвазига мен кўпинча маошсиз қолардим. Тушган фойдадан бериладиган фоизлар билан кифояланишига тўғри келарди.

Ўз-ўзидан сезилиб турибдик, мен машғулотларимда аллақандай олди-қочди гаплар билан эмас, амалий, фой-

дали воқеа-ҳодисалар; ҳужжатлар билан қуролланишимни тақозо этарди.

Мен ўз ўқувчиларимни машғулотларга қизиқтира олишим, уларнинг шахсий муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашишим биринчи даражали аҳамият касб этарди. Ҳар бир дарсда тингловчиларимда тўла қониқиш ҳосил қилишга интилардим. Кўпинча машғулотлар мавзуси бевосита тингловчиларим фаолиятидаги жумбоқларни биргаликда баҳс-мунозара, муҳокама қилиш ва албатта унинг ечими билан боғлиқ тарзда бўларди.

Ишлар юришиб кетди. Кўпгина тингловчилармиз оиласда, ишда силжишлар бўлаётганидан мамнун эдилар. Бир вақтлар кечки мактаб маъмурияти ҳар оқшомги дарс учун беш доллар тўлашдан бош торғган бўлса, орадан уч семестр ўтгач, энди ўтгиз доллардан маош белгилай бошлаганди.

Дастлабки йилларда мен ўқувчиларимни нотиқлик сирлари билан танишириб борган бўлсам-да, тажриба бошқа депсинишлар ҳам мавжудлигини кўрсатди. Инсонлар билан муомала қилиш, улар кўнглини олиш, марҳаматли бўлиш, маданиятни юксалтириш жамиятдаги энг катта масала экани аён бўлиб борарди.

Кишиларнинг жамиятдаги ўрни, муомала-алоқа ўрнатиш масалаларини ўргатувчи бир фан, қўлланма йўқ эди. Бу китоб шунчаки одатдаги тарзда ёзилди. Ёзилди, десам ҳам, унча қовушмайди, иегаки бу китобдаги воқеа-ҳодисалар, лавҳалар, ибратли тажрибалар бевосита ҳаётий кузатишлар асосида тўпланди, десам, мантиқан тўғрироқ бўлади. Бу қўлланма нашрдан чиққач, дунё миқёсида шовшув бўлишини кўз олдимга ҳам келтирмагандим.

Йиллар ўтгач, тажрибамдан шуни фаҳмладимки, нафақат тингловчиларимни, балки кўплаб ишбилармон кишиларни безовталиқ муаммолари қийнар экан. Маъмурлар, савдо агентлари, муҳандислар, бухгалтерлар, турли мутахассис ва касб-хунар эгалари иш юзасидан ҳар хил киши тинчини барбод қилувчи безовталиқ исканжасига

тушиб қолишаркан. Энди дарсларга хизматчи ва уй бекалари ҳам қатниашардилар. Уларнинг ҳам ўзига хос муаммолари мавжуд эди.

Кўриниб турибдик, безовталики бартараф қилишга оид қўлланмалар жуда зарур эди. Шу мақсадда мен Нью Йоркдаги марказий кутубхонага отландим. Бу ерда мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, "Безовталиқ" туркумida нашр этилган 22 та китоб топдим. Шу мавзуга оид яна турли-туман 189 та адабиёт бор экан. Демоқчиманки, безовталиқ инсоният ҳаётидаги энг жиддий муаммолардан экан. Мен бу китобларни бирма-бир ўқиб чиқдим. Бироқ "Безовталиқдан қандай ҳалос бўлиш мумкин?" деган саволга жавоб топа олмадим. Мамлакатдаги кўплаб ўқув муассасаларида ҳам бу саволимга жавоб берувчи бирон-бир қўлланмага дуч келмадим.

Шу тариқа бу саволга жавоб топишга жазм этдим. Мен барча асрларда яшаб ўтган файласуфларнинг безовталиқ билан боғлиқ кўпдан-кўп асарларини кўздан кечирдим. Шунингдек, Конфуцийдан тортиб Черчилгача бўлган юзлаб донишмандларнинг, давлат арбобларининг таржимаи ҳолларини, эсдаликларини ўргандим. Ҳаётимда Жек Демис, генерал Омар Брэдли, Марк Кларк, Генри Форд, Элеонора Рузвелт, Дороти Дикс каби кўплаб машҳур кишилар билан шахсан танишиб, сухбатлар ўтказдим. Бу шунчаки ишнинг бошланиши эди, холос. Мен беш йил давомида безовталиқ муаммоларини тадқиқ қилувчи иммий лабораторияларда ишладим. Бундай лаборатория, менимча, дунёда ягона эди. Лаборатория машғулотлари шундан иборат эди: биз тингловчиларимизга безовталиқдан ҳалос этувчи қоидаларни тушунтириб, уларни кундالик ҳаётларида қўллаб кўришни, айни вақтда натижга таъсирларини айтиб ёки ёзиг юборишларини илтимос қилардик. Бундан ташқари, тингловчиларимиз ўз бошларига безовталиқ тушганда уни қандай бартараф этганиларини сўзлаб беришарди. Ҳатто мавзуга оид хат-хабарлар ҳам

кела бошлади. "Безовталиктан қандай халос бўлдим?!" мавзусидаги баҳс-мулоҳазалар жонланиб кетди. Улардан кўпчилиги курсимизда ташкил этилган мукофотлар билан тақдирландилар. Демоқчиманки, бу китоб фил суюгидан ясалган минорада ёзилган эмас, баҳс-мунозара, муҳокамаларда айнан ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи қўлланма сифатида қўлингизда турибди.

Сиз уни диққат-эътибор билан ўқиб, ҳаётингизда қўллаб кўришга ёки ўз фаолиятингизни солиштириб кўришга ҳаракат қилинг. Бу китоб вақт синовларидан ўтган ва сизга доимий ҳамроҳ бўлишга арзийдиган тайёр тавсиянома, балки дориномадир.

Бизнинг фожеамиз заводсизлигимизда эмас, балки фаолиятсизлигимиздадир. Бу китобнинг мақсади сиздаги имкониятларни янада шакллантириш, эслатиш, янгилаш ва қўплаб қадим ҳикматлар ҳақиқатини қалбингизда уйғотиб, турмушда қўллашингизга даъват қилишдан иборатdir.

Сиз бу китобни қандай ёзилганини билиш учун эмас, кундалик ҳаётингизда бажаришингиз учун мутолаа этишингиз зарур. Хўш, ўқиши бошлаб юборсан ҳам бўлади. Сиз китобнинг дастлабки қирқ саҳифаси и эътибор билан ўқиши ҳаракат қилинг, ўқиб бўлгач, ўзингизда янгича таассурот сезмасангиз, янги куч ва интилиш пайдо бўлмаса, безовталиктан халос бўлиб, ҳаётдан завқланиш ҳиссини уйғотолмаса, у ҳолда бу китобни ахлатдонга ташлаб юборинг.

Ёш йигит 1871 йил баҳорида қўлига китоб олиб, бутун ҳаётини ўзгартириб юборган ўн етти сўздан иборат бир жумлани ўқиди. Унгача у Монреалдаги умумий мутахассислик бўйича касалхонада талаба-шифокор эди. Уни қуйидаги муаммолар безовта қиласарди: "Битириш имтиҳонларини топшира оламанми, қаерга ишга жойла-

шаман, ўз ишимни қандай бошлайман, қанча маош оламан?" ва ҳоказо.

У ўн етти сўздан иборат жумлани ўқир экан, ҳаётида жиддий ўзгариш бошланаётганини фаҳмлади, оқибатда ўз даврининг машҳур ички касалликлар ҳаким (терапевт)ига айланди. У Жонс Гопкинс университети қошида дунёга донғи кетган тиббиёт мактабини ташкил қилди. У Оксфорддаги қироллик тиббиётининг профессори деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу бутун Британия империясида ҳакимолимга берилган ягона унвон эди. Айни вақтда Англия қироллиги унвонини олишга ҳам эришди. Қачонки бу машҳур инсон вафот этаркан, ундан катта ҳажмдаги икки жилдлик китоб қолди. Бу китоб 1466 саҳифадан иборат бўлиб, унинг ҳаёти тўғрисидаги тарих эди.

Уни жаноб Уильям Ослер деб аташарди. Унинг ҳаётида туб бурилиш ясаган ва беҳуда безовталиктан кутқарган ўн етти сўзли жумла қўйидагича эди: "Бизнинг бош вазифамиз - туманли олис келажаккка қараб эмас, бизга аниқ қўринаётган йўналишдаги ҳозирги лаҳзаларда фаолият кўрсатишмиз зарур".

Эрадан қирқ икки йил ўтиб, Уильям Ослер Йель университети талабалари билан учрашувда шундай деганди: "Айтишларича, инсон деган зот айрича, "зўр мияга" эга бўлиши керакмиш. Бу нотўри фикр". Ҳатто ҳамкаслари ҳам уни ана шундай "мия" эгаси деб билишарди. Ҳар ҳолда Уильям Ослер тўрт университетнинг профессори, бир қанча оммабоп китоблар муаллифи эди.

Хўш, унинг муваффақиятларининг сири нимада? Ўзининг эътироф этишича, ўтган ва келажакдаги кунлар ташвиши билан эмас, бугунги куннинг имкониятлари билан яшаш унинг ютуқларини таъминлаган. Буни қандай тушуниш керак?

Жаноб Уильям Ослер Йель университетидаги бир учрашувдан бир неча ой муқаддам Атлантика океанини улкан сув лайнерида кесиб ўтган эди. У бир куни кема

капитани (дарға)нинг бошқариш кўприкчасида туриб бажаётган ишини кузатди. Дарға керакли тутма (кнопка)ни босар экан, механизмларнинг шовқинини эшилди. Шу аснода айрим қурулмалар сув кириб кетмаслиги учун ҳар томонидан зич бўлиб ёпилди. Чунки сув кириб кетиши механизмларнинг меъерий фаолиятини издан чиқариши аниқ. Оқибатда бу кема ҳаракатига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Бундан хулоса чиқарган доктор Ослер талабалар билан учрашувда шундай деганди: "Сизлардан ҳар бирингиз ҳам улкан лайнернинг энг муҳим механизмларидан кўра жиддийроқ фаолият кўрсатиш кучига эга бўлган шахсларсиз. Ҳаёт кемасига қадам ташлар экансиз, сиз олис манзилларга сузиш учун йўл оласиз. Сизга айтмоқни бўлаётган сўзим шуки, сиз механизмларнинг тўла қувват билан ишлашини, дengiz тўлқинларидан ҳимоя қилишини назорат эта билишини чукур ўрганинг. Сув кириб кетмаслиги учун зарур бўлган қурулмаларни ўз вақтида ишга солишини, атрофни ҳимоя тўсиқлари билан ўраб ташлашни билинг. Шундагина сиз ўз саёҳатингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Бошқариш кўприкчасига чиқинг. Комраблнинг барча қурулмаларининг ишлаш ҳолатини қатъий таъминланг. Сиз тутмачани босар экансиз, ҳаётингиздаги ҳар бир босқичда темир ёпқичларнинг кечаги кун билан мутлақо ажратиб ташлаётганини эшиласиз. Иккинчи тутмачани боссангиз, олд томондаги метал парда - ҳали туғилмаган эртангига кун - келажак оралигини тўсади. Шундагина сиз мутлақо хавф-хатарсиз кун - бугун билан қоласиз. Ўтмишингизни мутлақо унтунинг - тўсиб ташланг. Ўтмиш ўтганларни дафн қила қолсин. Бизни ҳало-катга олиб бориши мумкин бўлган кечаги кундан халос бўлинг. Айни вақтда ўтмишнинг юкини кўтариб олиб, бугун келажакнинг юки устига афдарманг. Сиз ўтмишингизга қандоқ тўсиқ қўйиб, ажратиб ташлаган бўлсангиз, келажак қарисига ҳам ана шундай тўғон-тўсиқ қўйинг!

Келажагингиз ҳозирги нафас олиб турган вақтингиздир. Билсангиз, эртага деган гап йўқ! У бизнинг ихтиёrimизда эмас. Инсоннинг нажот топадиган, халос бўладиган куни - БУГУН. Келажакнинг орзу-ҳаваслари сари олға интилиш асабларингизни таранг қилади, қалбий ҳаловатингизни издан чиқаради, бугунги кун учун бемалол етиши мумкин бўлган куч-кувватингизни, хотиржамлигингизни суғуриб олиб, тинка-мадорингизни куритади... Модомики, кемани бошқараётган экансиз, унинг тумшуқ ва қуирүфини мустаҳкам ҳимоя қилиб, бошқа қисмларини ҳам эҳтиётлашингиз шарт. Бинобарин, ўтмиш ва келажак ўртасида ги БУГУН биз учун ҳамма нарсадан қиммат туради".

Сиз ушбу сатрларни ўқиб, доктор Ослер эртангига ҳеч қандай ҳозирлик кўрмаслик керак, демоқчи, деб ўйласангиз, мутлақо янглишасиз! Бугуннинг имкониятларини бой бермасдан тўла фойдаланиш эвазига эртагалик кунга элтувчи куч-кувватларимизни сақлаб қолишни назарда тутмоқда.

* * *

... Уруш йилларида бизнинг ҳарбий раҳбарларимиз келажак режаларини тузишар экан, ташвишдан холи бўлишга интилишарди. "Мен сараланган кишиларимизни қарамоғимиздаги энг кучли ҳарбий техника билан қуроллантирдим, - деганди қўшма штатлар ҳарбий дengиз кучларига қўмондонлик қилган адмирал Эрнест Жон Кинг. - Уларнинг зиммасига бурчларидан келиб чиқадиган масъул вазифа юкланди. Бундан ўзга ҳеч нарса қололмасдим".

"Бордию кема чўккудек бўлса, - давом этади адмирал Кинг, - мен уни асло кўтариб қололмайман. Чўкаётган нарсани қандай қилиб ортга қайтариб олиш мумкин?! Мана шундай паллада мен ихтиёrimдаги фурсатдан фойдаланиб, эртангига ҳолатни ҳам кўз олдимга келтирган ҳолда бир қарорга келаман, ўтган кундаги йўқотишлар

учун қайпуришдан кўра кейингиси манфаатлироқдир. Бордию ҳар икки ҳолатда ҳам бир қарорга келолмай безовта бўла бошласам, ваҳимага тушсам - борми, нақ имкониятимни бой беришим аниқ..."

Уруш ва тинчлик даврида ҳам бир нарсани асло унумаслик лозим: тўғри ва нотўғри фикрлаш тарзини зудлик билан фарқлай олишимиз керак. Тўғри фикрлаш тарзи шуки, сабаб ва унинг оқибатини яққол тасаввур қила олсак, таҳлилларимиз бизни алдамай, мантиқий ечимга олиб келади. Биз вазиятни нотўғри баҳоласак, фикрларимиз чалкашиб, кўпинча ҳолатимизнинг зўришишга, асабларимизнинг ларзага тушишига сабабчи бўламиз.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши пайтида Европанинг қайси бир бурчагида хизмат қилган ёш жангчи ўзи учун қуидаги-ча сабоқ олганди. Уни Тед Бенгермино деб аташарди. Бу инсон жанговар шароитда руҳий зарбага йўлиқади. "1945 йилнинг апрелида, - деб ёзди Тед Бенгермино, - мен ҳаддан ташқари беҳаловатланиб, тинчимни йўқотгандим. Менга жуда ҳам оғриқ-азоб бераётган дардни врачлар "колит" деб номлашганди. Бу йўғон ичак ва буйрак безининг яллиғланиши (қуланж) бўлиб, кечасию кундузи оғриқча чидаб бўлмасди. Агар яқин орада бу уруш тугамаганида соғлигим мутлақо издан чиқарди.

Мен 94-пиёдалар дивизиясининг дағи қилувчилар командасида унтер - офицер эдим. Жангда ҳалок бўлганларнинг ҳисоб варақаларини тўлдириш, бедарак йўқолгандарни, госпиталга тушганларни аниқлаш менинг вазифамга киради. Бундан ташқари, ўзимизнинг иттифоқдошларимизнинг, шунингдек, душманларимизнинг жасадларини ҳар қандай ҳолатда ҳам гўр кавлаб дағи этардик. Ҳалок бўлганларнинг шахсий буюмларини йиғиштириш ва уни ота-оналарига, яқин кишиларига юбориш

каби юмушлар ҳам банд этарди. Бундай ишлар доимо кўнглимда фулгула ва қўркув уйғотарди. Сиз биргина жанг майдонида ҳалок бўлиб ётган инсонни кўз олдингизга келтириб кўринг! Қандай даҳшатли маизара! Мен бу ҳолатларга ортиқ бардош бера олмаётгандим. Мени шундай нохуш фикрлар қуршаб олардик, ҳатто қачонлардир эндигина ўн олти ойлик бўлган ягона ўғлимни кўришга, қўлимга олишга ҳам ишонмасдим. Жинни бўлиш даражасига тушиб, озиб кетгандим. Қўлларим қуруқ суккака айланаб қолганди. Уйга ногирон ҳолда қайтсан керак, деб изтироб чекардим. Болаларча йиғлардим.

Ўзимни йўқота бошлаган паллада госпиталга тушиб қолдим. Ҳолатимни эътибор билан кўриб чиқсан ҳарбий врач руҳий фалаж эканимни аниқлаб, шундай деди: "Тед, сен ўз ҳаётингга худди қумсоатга қарагандай бир назар ташлашингни истардим. Биласанки, қумсоат тўнкариб қўйилганда юқори қисмидаги минг-минглаб қум зарралари ўргадаги найчадан, сен илғамайдиган тешикдан пастга бир текисда тўқилиб туша бошлайди. Бордию сен-у мен ана шу тўқилаётган қум зарралари ҳаракатини, маромини лоаҷал бирозгина тезлаштирасак ҳам, соат бутунлай издан чиқади. Сен-у мен ҳам ана шу қумсоатнинг зарраларимиз. Эрталаб уйғонар эканмиз, кўз олдимизга юзлаб бугун амалга оширишимиз керак бўлган ишлар рўйхати келади. Агар биз бу юмушларни бажариш учун ҳар бирига алоҳида вақт ажратмасдан, ҳаммасини бирданига бажаришга ташланиб қолсак, вақтни ҳам, куч-қувватимизни, саломатлигимизни ҳам, руҳий бардамлигимизни ҳам бой берамиз.

Унумта, соат найчасидан пастга тушаётган ҳар бир қум зарраси бир вақт бирлигига teng! Бинобарин, ҳар бир юмуш ҳам алоҳида вақтни талаб қиласди".

Ҳарбий врачнинг бу файласуфона маслаҳати уруш кетаётган пайтда ўзимни тутиб олишимга қанчалик руҳий мадад берганини таърифлай олмайман. Ҳозирги тинч

даврда эса мен Балтимордаги тијорат компаниясіда хизмат қиласаман. Иш фаолиятимда күплаб кескін муаммолярга дуч келдім. Иш ҳаддан ташқары күпайиб кетардикі, вақт етишмасди. Акцияларымиз баҳоси тушиб кетди. Яңғы акционерлик жамияти пайдо қилдік, аммо тезда яна ёпишга мажбур бўлдик. Турап жойимизни ўзгартирдик. Мана шундай вазиятларда ҳам доимо ҳарбий врачанинг ўгитлари ёдимга тушади: "... соат найчасидан пастга тушаётган ҳар бир қум зарраси бир вақт бирлигига тенг. Ҳар бир юмуш алоҳида вақтни талаб қиласади!" Бу сўзларни қайта-қайта такрор қиласар эканман, ўз ишимни тўғри ва аниқ бажаришга интиласаман. Иш қанчалар мурракаблашмасин, ўзимни уруш йилларидаги аҳволимга туширмаслик учун сабот кўрсатаман".

Бизнинг турмуш тарзимиздаги энг таҳликали шарҳлардан бири шуки, касалхоналарда ётган беморларнинг ярмидан кўпи кечаги куннинг оғир юкларини эрталик кунга олиб ўтаман, деб ийиги чиқиб, руҳий хасталикка дучор бўлган кишилардир. Ваҳоланки, уларнинг жуда кўп қисми Исо алайҳиссаломнинг "Эртагалик кун учун безовта бўлманг", деган сўзларига амал қилишса, ҳаётларини гўзал ва баҳтиёр тарзда бемалол ўтказишлари мумкин. Уильям Ослер ҳам "Бугунги кун нафаси билан яшанг", деб бекорга бонг ураётгани йўқ.

Сиз ва мен айни дақиқаларда мангаликнинг иккى қирғофида турибмиз: ҳозирча бизга тинчлик бермаётган ўтмишнинг армонларину уни келгусида ҳал қилиш иштиёқи исканжасидамиз. Биз барча имкониятларымизни ишга согнанимизда ҳам, амин бўлингки, на унисида, на бунисида ҳақиқий ҳаёт кечира олмаймиз. Биз бунга эришиш учун ўжарлик билан ҳаракат қиласар эканмиз, жисмоний соғлигимиз ва ақлий қувватимизга путур етказа-

миз. Келинг, яхиси, бизга ажратилган вақт, кун чиққандан бошлаб кун ботгунча ўтадиган оралиқда байрамона кайфиятда яшашни ўрганайлик. "Оқшом тушгунча, - дейди ёзувчи Роберт Луис Стивенсон, - ҳар бир киши ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа олади. Ҳар биримиз қанчалар оғир иш бўлмасин, кун давомида бажаришга қодирмиз. Ҳар биримиз қалбий осойишталиқда, сабр-қаноат билан яшаб, атрофимиздаги кишиларга хайриҳоҳлик, меҳр-муҳаббат кўрсатиб кунни кеч қилишимиз мумкин. Ахир яшашдан асл мақсад ҳам айнан шу-ку!"

Шундайликка шундай, аммо ҳаёт талаблари бошқача-да!

Тонг отгандан қоронгулик тушгунча яшашни "ўрганган" Э.К.Шилдс хонимнинг алам-ғазаби шу даражага етгандики, гоҳо ўзини ҳалок қилишни ўйлаб қоларди. Менга ўз ҳаёти тарихини Шилдс хоним шундай ҳикоя қилганди: "1937 йилда мен эримдан жудо бўлиб, беҳад мотамда қолдим. Менда яшаш учун бирон-бир илинж йўқ эди. Охири собиқ иш берувчи жаноб Леон Роучга хат ёздим. У Канзас Ситидаги "Роуч-фаулер" фирмасининг эгаси эди. Мен қайтадан ишга қабул қилиндим. Аввал мен қишлоқ ва шаҳар мактаблари учун китоб сотиш билан шуғулланардим. Унгача эрим касал бўлиб қолгани учун автомобилимни сотган эдим. Шу тариқа жамғармага эга бўлиб, бироз ишларим юришиб турди.

Ўзимча, йўлда кетарканман, ҳар ҳолда унча-мунча қийинчилик ташвишларини енгса бўлади, деб ўйлардим. Машинани ёлғиз бошқарап эканман, имкониятларим кўпга ўхшаб туюларди. Афсуски, кўп ҳолларда етарли даромад қилишга эриша олмасдим. Шундай кезлар бўлардики, арзимаган бўлса-да, автомобилим учун тўлаш керак бўлган бадални ҳам вақтида беролмасдим.

Назаримда муваффақиятга эришиш жуда қийинга ўхшарди. Ҳаёт ўз маъносини йўқота бошлаганди. Мен мана шундай ҳолатга тушиб қолишдан қўрқардим. Ахир даволаниш учун ҳам пул керак-ку! Ўз-ўзимни ўлдириш-

дан бир нарса ушлаб турарди: бечора опамга раҳмим келарди. У ўлимимни эшилса, қаттиқ қайфуради. Бунинг устига менинг жанозамни ўтказиш, дағн қилиш учун ҳам пул керак эди!

Шу аснода бир мақолага кўзим тушиб қолди. Ундаги битта жумла ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди, десам, муболага бўлмайди. Мана ўша битик: "Ақлли киши учун ҳар куни янги ҳаёт бошланади". Жумлани қайта-қайта ўқир эканман, жисмимда, руҳиятимда янгича бир куч, яшашга бўлган иштиёқ, машақатлардан чўчимаслик, курашиб ҳисси уйғониб борарди. Мен бу сўзларни ёзиб машинам ойнасига ёпиштириб қўйдим. Рулга ўти-рар эканман, ҳар гал кўзим ана шу илҳомбахш сўзларга тушади. Қарангки, бир кунни чиройли қилиб ўтказиш, яшаш унчалик оғир эмас экан.

Мен энди ўтган кунлар гирдобида яшашдан, эртанги кун ташвишларидан мутлақо қутулган эдим. Ҳар кун тонгда ўрнимдан турарканман, "Бугун мен учун янги ҳаёт бошланади", дейман.

Шу тариқа ёлғизлик ва қўрқувдан, ўринсиз ташвишлардан халос бўлдим. Ҳозир нимага улгураётган бўлсан, мамнунман. Улгурмаган ишларим учун асло ташвиш чекмайман".

* * *

Ўтаётган ҳар кун сенга сўнгги бор
Нур сочар кўрсатиб қувонч, илтифот.
Сен эса журъатсиз, миқ этмай зинҳор,
Бебаҳо фурсатни айлайсан барбод...

Сизнингча, юқоридаги сатрлар муаллифи ким? Ундаги танбеҳона фикрлар гўё кечагина айтилганга ўхшайди, шундай эмасми? Ваҳоланки, бу мисралар эрамиздан аввалги ўти-зинчи йилда римлик шоир Горатсий томонидан ёзилган.

Менимча, инсон табиатидаги ўзига хос фожеалардан бири бутун орзу-умидимизни келажакдан ундиришга бўлган иштиёқимизнинг кучлилигидан бўлса керак. Биз негадир деразамиз тагида ҳовлида чаман бўлиб ётган атиргулдан баҳра олишдан кўра уфқлар ортидаги но-маълум гулларни, сеҳрли боғларни истаб қоламиз!

Нега биз кишини ҳайрат-даҳшатта соладиган даражада нодонмиз?!

Стивен Ликок шундай ёзади: "Таажокубки, вақтдан юлиб олинган парчани бизнинг ҳаётимиз - умр деб атаймиз. Гўдак ўзича "Қачон ўсмир бўламан?" деб ўйлади. Хўш, кейин-чи? Ўсмир "Қачон улғаяман?" дейди. Хуллас, у улғайгач, "Қачон уйланаман?" дейиши табиий. Ниҳоят, уйланди ҳам. Энди бўлдими? Асло! Ҳаммаси ўз навбатида келаверади. Пировардида у "Қачон пенсияга чиқаман?" деб қолади. Ана энди пенсия ёшига етгач, бир босиб ўтган "шонли йўл"ига боқади. Юзига совуқ ел урилгандек бўлади. Кўз олдида ҳаётда қанчадан-қанча имко-ниятларни совуриб юборганини, у дамлар энди мутлақо қайтиб келмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни англаб етади. Биз ҳаёт моҳияти бир маромдаги кун соатида эканини жуда кеч фаҳмлаймиз".

* * *

Детройтлик Эдвард С.Эванс "ҳаёт моҳияти бир маромдаги кун соатида эканини" англаган ҳолда тўхтовсиз безовталиқ оқибатида ўзини ҳалок қилиш даражасигача етарди. У қашшоқ оиласдан чиқсан бўлиб, ёшлигига газетафурушлик қилган. Кейин баққоллик дўконида ишланган, кейинроқ кутубхоначи ёрдамчиси "даражаси"гача кўтарилади. Гарчанд арзимаган маош олса-да, ишдан маҳрум бўлишдан қўрқарди. Орадан саккиз йил ўтди. Бу вақтда у ҳаётий тажрибага эга бўлди. Айни дамда ҳаммасини бошидан бошлашга ўзида куч топа олди. У эл-

лик беш доллар қарз күтариб, кичикроқ корхона очди. Бу йилига йигирма минг доллар даромад келтира бошлади. Кейин корхонаси ўнглаб бўлмас даражада синди. У дўстидан катта миқдорда қарзга векселғ олди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўртоғи қарзни қайтариши талаб қилди. Фалокатни қарангки, Эванс бор пулларини қўйган банк банкротга учради. У сўнгги сент (тийин)идан ажралибгина қолмасдан, олтмиш минг доллар қарздор ҳам бўлиб қолганди. Бундай бадбаҳт кўргуликка Эванснинг асаблари бардош беролмади. У менга бошидан ўтганларини шундай сўзлаб берганди: "Мен кечалари ухлолмай тўлғониб, инграб чиқардим, ҳеч нарса ея олмасдим. Мен англаб бўлмас дарди бедавога учрагандек эдим. Вужуд-вужудимни безовталик, лоҳаслик қуршаб олганди. Бир куни кўчада йиқилиб ҳушимдан кетибман. Ортиқча ҳаракат қилишга мажолим етмай, тўшакка михланиб қолдим. Танамни катта-кичик тошма ва чипқон босиб кетди. Ҳатто ичимда ҳам чидаб бўлмас оғриқ берувчи тошмалар пайдо бўла бошлади. Кундан-кунга мажолим қуриб борарди. Ниҳоят, даволовчи докторим "сўнгги сўзни" айтди. Нари борса, икки ҳафталик умрим қолибди. Мен довдираб қолдим. Баъзи ишларимни тартибга келтирган бўлдим. Жумладан, васиятнома ёздимда, келажак оқибатни кутиб, яна ўзимни тўшакка ташладим. Мен учун яшаш, безовта бўлиш, курашиб моҳияти тугаган эди. Ҳафталаб кунига кўзим чала-чулпа юмиларди, холос. Энди эса ўз ўлимимни бўйнимга олиб, ердаги ташвишларимни унутиб, чақалоқдек қаттиқ ухлай бошладим. Шу тариқа танимдан мислсиз ҳорғинлик чекинаётганини фаҳмладим. Аста иштаҳам ҳам қўзғалиди. Ҳатто танамга эт қўшила бошлади. Бир неча ҳафта да кўлтиқтаёқда юра бошладим. Орадан олти ҳафта ўтгач, қайтадан иш бошладим. Авваллари мен йилига йигирма минг доллар даромад қилардим, эндиликда эса ҳафтасига ўттиз доллар даромад келтирадиган иш билан кифоя-

ландим. Мен автомобилнинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қила бошладим. Ҳар ҳолда бунчалик кўргуликлардан сўнг олган энг катта сабогим шу бўлдики, ўтган кунлар учун ўртаниш, ачиниш ва ҳаловатдан жудо бўлиш инсонни абгор қилиб ташлашини тушуниб етдим. Энди эса ҳамма вақт менинг бугунлик машғулотим, вазифам тайинли ва аниқ"...

Эдвард С.Эванс ўзининг меҳнатсевар, тиришқоқ фазилатлари билан хизмат зинапояларидан кўтарилиб борди. Йиллар ўтиб, компаниянинг президенти бўлди. Унинг компаниясини "Эванс продакт" деб аташарди. Узоқ йиллар бу компания номи Нью Йорк биржа жамғармаси рўйхатида турган. 1945 йилда Эдвард С.Эванс вафот этганида у қўшма штатлардаги энг тараққий парвар ишбилиармон кишилардан бири сифатида эътироф этилган. Сизга қачонлардир Гренландия осмонидан учиб ўтиш насиб қиласа, унинг шарафига Эванс - Филд деб аталган аэропортга қўнишингиз эҳтимол...

Юқоридаги ҳикоядан қўйидагича хулоса чиқариш мумкин.

Эдвард С.Эванс бугунги кун нуқтаи назаридан безовталиктан халос бўлмаганида ҳеч қачон ҳаётда тўла муваффақиятни таъминлай олмасди.

Эрамиздан беш юз миқаддам юонон ҳакими Гераклит ўз шогирдларига ҳаётда қонунлардан ташқари ҳамма нарса ўзгариб турди, деб таълим берарди. Шунингдек, у "Сиз чўмилаётган дарё сувига икки бор шўнгий олмайсиз", деган. Дарҳақиқат, дарё суви ҳар лаҳзада оқиб ўзгарилиди. Аввалти шўнғиган сувингиз оқиб кетди. Қайта шўнғир экансиз, мутлақо ўрнини оқим давомидаги янги сув эгаллайди. Бинобарин, ҳаёт ҳам ана шундай танаффуссиз ўзгаришдадир. Ўз-ўзидан англашиладики, сизу биз учун ажратлган кун - БУГУН! Келажакнинг қандай бўлишини ҳеч ким аниқ тасаввур қила олмагани ҳолда бугуннинг гўзал дамларини бой бериш ношудликдир.

Қадимги римликларда "Бугунги кундан фойдалан!" ибопаси мавжуд. Бошқача айтганда, бугунги лаҳзани тутиб, ундан ўзингиз учун қониқиш топинг!

Жон Рескиннинг ёзув столида оддий тош турати. Унга "БУГУН" деган сўз ўйиб ёзилган.

* * *

Сиз, афтидан, бу китобни охиригача ўқиб ўтирасдан тезроқ безовталик ҳолатидан олиб чиқадиган рецепт (доринома)ни қидиряпсиз, шекилли?!

У ҳолда истеъодли муҳандис Уиллис Х.Кэрриэр томонидан ишлаб чиқилган тавсиянома билан сизни таниширишга ижозат беринг. У ҳавони қайта тозалайдиган кондиционер ишлаб чиқарувчи корхонага асос солган. Ҳозирги вақтда ҳам Нью Йорк штатидаги Сирақьюс шахрида машҳур "Кэрриэр" корпорацияси унга тегишли. У муаммоларни ҳал қилишда халақит берадиган безовталикни бартараф қилишнинг учта асосий босқичини ишлаб чиқсан. Шахсан ўзи билан бўлган сұхбатда қуйидагиларни сўзлаб берганди: "Мен Нью Йорқдаги Буффало шахрида - темирчилик компаниясида ишлардим. Менга Питсбургдаги кўзгу-ойна ишлаб чиқарадиган завод учун ҳавони газдан тозаловчи қурулма яратиш топширилган эди. Бу завод миллион доллар турати. Янги қурулма заҳарли газ аралашмасини ажратиш учун ясалган бўлиб, асосий қисми заарланмаган ҳолда ишдан чиқиши эҳтимоли бор эди.

Шу тарзда газдан тозалаш янги усул эди. Бундан авваллари бошқа мақсадда фойдаланишган. Бу ишга киришар эканман, сўнгсиз қийинчиликлар пайдо бўлди. Хуллас, биз тақдим этаётган қурулма хавф-хатарнинг олдини олишга ҳеч қандай кафолат бермасди. Бошим қотиб қолди. Нима қилишни билмасдим. Ортиқ ҳаяжонланиш оқибатида уйқумда ҳаловат қолмади.

Ниҳоят, мен ҳаяжонланиш оқибатида бирон соғлом фикрга кела олмаслигимни англадим. Шу тариқа муаммоларни хотиржам ҳал қилишнинг йўлини ўйладим. Бу усулим ўзини оқлади. Ўттиз йилдирки, бирор муаммо пайдо бўлса, ўз усулим бўйича уни хотиржам ҳал қиламан. Бу усул жудаям осон бўлиб қуйидагичадир:

I босқич. Мен ҳолатни таҳлил қиласар эканман, оқибати энг оғир чиқиши мумкин бўлган масалага эътиборимни қаратдим. Мени ҳеч ким қамашга ёки отишга ҳаракат қилаётгани йўқ. Бунга қатъий ишонсам-да, нари борса, вазифамдан озод бўламан. Иккинчиси, бошлиқларим янги қурулмани кўллашни ман этишлари мумкин. Бундан ташкилотимиз йигирма миллион доллар йўқотади.

II босқич. Ҳар қандай вазият билан келишмай иложим йўқ. Гарчанд ишимидан айрилсам-да, ўзга жой топа оламан. Бекор қолмайман. Эҳтимол, раҳбарларим газдан тозалашнинг янги усулини синовдан ўтказиш ҳисобига қўшиб, йигирма миллион долларни тўлаб юборишар. Компаниянинг бунга маблағи етарли. Балки бу маблағни илмий-тадқиқот мақсадида ишлатилди, деб ҳисоблашшар. Мана шундай қарорга келганимдан сўнг ўзимда енгиллик сезгандай бўлдим.

III босқич. Ҳар қандай шароитда ҳам оғир муаммоларга дуч келганда уни совуқёнлик билан, хотиржам бартараф этишга киришадиган бўлдим. Шу тариқа йўқолаётган йигирма миллион долларни қандай сақлаб қолиш устида бош қотирдим. Бунда ҳам хотиржам фикр юритиш ўз самарасини берди. Янги қурулмани такомиллаштириш учун яна беш минг доллар ҳаражат қилинса, масала ҳал. Бу ҳолатда фирмамиз йигирма миллион доллар йўқотмай, аксинча, ўн беш мин доллар даромад қиласди. Бордию мен бу муаммолар қаршиисида ўзимни йўқотиб қўйганимда борми, ҳамма иш чаппасига юз буриши аниқ эди..."

Биз рўй берган ҳар қандай ҳолатга ақл-идрок билан аниқ баҳо бера олсак, ташвиш ва безовталиктининг сароб

янглиф асоратидан халос бўламиз. Бунинг учун оёқларимизни заминда маҳкам тута билишимиз лозим.

Хитойлик донишманд Лин Ютанем ўз китобида шундай ёзади: "Энг оғир ҳолат билан келишилган (рози бўлган) тақдирдагина ҳақиқий қалб осойишталигига эришиш мумкин. Буни руҳиятшунослар тили билан айтганда, ўзимиздаги мавжуд куч-кувватни изтиробга хўрак-ем бўлишдан халос этган бўламиз. Ҳа, бу ерда гап ҳали биз учун жуда-жуда керак бўладиган куч-кувват (энергия)ни асраб қолиш имконияти ҳақида бораёттир. Чиндан ҳам биз рўй берган оғир ҳолат (фожеа, фалокат, кўргулик)ни мардона кутиб олсак, ақл тарозусида "Бўлар иш бўлди", дей олсак, бошқа ҳеч нарса йўқотмаймиз. Худди шундай фикрга кела олсак, аввало, ўзимизни келажакдаги но маълум зарбалардан қутқариб қоламиз".

"Мен бўлиб ўтган фожеани энди ўнглаб бўлмаслигини чуқур ҳис қилганимдан сўнг, - деб эслайди Уиллис Х.Кэрриэр, - бир лаҳзада вужудимдаги асабий танглик ўрнини бўшашиш эгаллади. Ўзимда узоқ вақтлар сезмаган бир енгиллик туйдим. Шундагина хотиржам фикрлаш ҳолатига ўтдим".

Уиллис Х.Кэрриэр оқилона ечимга келган, тўғрими? Афсуски, миллионлаб кишилар оғир мусибатлар, кўргулеклар қаршисида ўзларини "тақдир зарбаси"га учраган ночор одамлардек тутиб, ҳолатларини юз чандон ўнглаб бўлмайдиган даражага келтирганлар. Улар фаолиятли бўлишни, вазиятга тўғри баҳо беришни, ҳаётдаги йўқотишларни сабр, чидам билан енгиш имкониятларини сақлаб қолиш ўрнига умрларини "оҳ-воҳ" билан ўтказиш, шиква-шикоятлар билан адо қилганлар.

* * *

Безовталиқ пайдо бўлдими, энди у шунчаки ўтиб кетадиган "руҳий ҳорғинлик" эмас. Соат сайин, сония са-

йин инсоннинг асаб тизимларини хавфли ёнфиндай қуршаб олевчи, азоб-уқубатлари билан тинкани қуритувчи кўринмас ёвdir.

Санта-Фе темир йўллари шифохонаси ҳакими О.Ф. Гобер билан ўтказган суҳбатимдан қуйидаги аччиқ ҳақиқатни англаб етдим: "Ўз дардларига даво истаб шифокорларга мурожаат қилаётган беморларнинг 70 фоизи аслида соппа-соғлар. Улардаги хасталик ноўрин қўрқув ва беҳуда ташвишлардир. Бордию улар ўзларидаги ана шу икки нохуш туйфу - қўрқув ва безовталиқни енга олсалар, аллақачон ўзларини даволаган бўлардилар. Мен ҳазиллашаётганим йўқ. Унчамунча касалликлар асабийлашиш оқибатида келиб чиқади. Чунончи, ҳазм қилиш аъзоларида, ошқозонда ошқозон яраси, юрак хасталиклари, уйқусизлик, бош оғриши, фалажликнинг барча кўринишиларида асабийлик асоратлари акс этади.

Киши ўзида қўрқувга сабаб бўлган омил-асосларни енгib, бартараф қилмас экан, асло безовталиқ, кўнгил беҳаловатлиги йўқолмайди, оқибатда асабийлик қўзғолади. Демак, бу билан турли хасталиклар эшиги қия очилади. Дастреб ошқозонингиз асаблари зарбга учрайди. Бу дегани ошқозонингиздаги сок - суюқликдаги табиийлик йўқолиб, ошқозон яраси нақд бўлганидир".

Такрор бўлса-да, доктор Жозеф Ф.Монтэгюнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишни лозим топаман: "Ошқозон яраси сиз еган таомлар туфайли эмас, аксинча, сизни еяётган нарса - безовталиқ туфайли пайдо бўлади".

Хулоса шуки, ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам ўзингизни қўлга олинг. Шундагина сиз қалбий осойишталигингизни, тинчлик-хотиржамлигингизни, яъни саломатлигингизни таҳлиқадан қутқариб қоласиз. Ҳаяжонланишини, қўрқувни бас қилинг! Далилларга тик боқиб, ўзингизнинг мардона ҳукмингизни тайёрланг.

Минг йиллар муқаддам шарқнинг қадим донишманди Конфуций "Зиқна, иззатталаб, майдакаш, маҳмадона кишиларнинг турган-битгани заҳар", деган экан. Сиз ҳаётда бундай иззатталаб, мартабаталаб, ёлғиз ўзинигина ҳақ деб билгувчи худбин "доно"ларни кўп учратгансиз. Бундай шахслар жамият ва жамоат ишларида амалдорлар ҳузурида ўзларини фаол, фидойи қилиб кўрсатишга интилсалар-да, уларнинг бу ҳаракатларида бирон эзгухайрлиликни топа олмайсиз. Улар ҳар бир ишда шахсий манфаатларини кўзлаб, тирикдан-у ўликдан фойда ундиришни ўрнига кўядилар. Ўзгалардан кўрган яхшиликларини, олган моддий-маънавий кўмакларини тез унтугувчи, мунофиқ, кўрнамак ва истаган пайтда сизни бадном қилишга тайёр турган абллаҳдир.

Биз кўпинча ана шундай шахслар билан билиб-бilmай мулоқотда бўлиб қоламиз. Эвазига узоқ йиллар соғлигимизни жаримага тўлаганимизни сезмай қоламиз.

Самимият - инсондаги энг олий ва таъсирчан, беминнат ҳамда енгилмас қурол. Самимиликни ҳатто ҳайвонот олами ҳам тўғри қабул қила олади. Самимияти бегараз бўлмаган дўстлик, муҳаббат, ҳамкорлик, оила, қариндош-уругчилик, жамоадошлиқ омонатдир. Самимият бўлмаган жойда фаразгўйлик, фийбат, баҳиллик, ичиқоралик, алдоқчилик, хиёнат, очкўзлик, уриш-жанжал вужудга келиши табиий.

Уруш йилларида инсоният бошига не-не кулфатлар тушмаган, дейсиз. Куйида менинг курсимда ўқиган Уильям Х.Касселиуснинг ҳикояси билан танишиб кўринг. Унинг бу иншоси биз таъсис этган мукофотга сазовор бўлган.

"Мен Атлантика океани соҳилларини қўриқлаш ҳарбий бўлинмасида хизмат қилганман. Армияга сафарбар бўлгунимча қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш корхонасига қарашли дўконларда сотувчи бўлиб ишла-

ганман. Энди армияда мени ... портловчи моддаларни назорат қилиш бўйича инспектор (йўриқчи) қилиб тайинлашса бўладими! Тасаввур қилинг: қандолатшурушилик қаёқда-ю, портловчи моддалар назоратчиси қаёқда?! Менга вазифамнинг моҳиятини билиш, ўрганиш учун икки кунлик йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Мен ҳақиқий аҳвол - вазифам билан танишар эканман, авзойи баданимдан муздек тер чиқиб кетди. Назаримда томирларимда қон тўхтаб қолгандек эди. Холвафурушга ҳали бу ҳам холва экан.

Совук, қоронғу ва туманли кунларнинг бирида менга Нью Жерси штатидаги бандаргоҳга сузиш буюрилди. Менга топширилган кораблга бир тоннадан ортиқ бомбани юклаб жўнаш лозим эди. Юкчилар забардаст белларида яшикларни кўтариб кемага жойлашар экан, кўтарган юклари портловчи модда эканини мутлақо билишмасди. Очиқроғи, қатъий сир тутилган эди. Мен даҳшатли ваҳимада эдим. Бордию бирорта бомба портлаб кетгудек бўлса, бу ҳайбатли кемани ва бизни бир лаҳзада бобокалонларимиз ҳузурига жўнатиб юбориши муқаррар эди. Юрагим қинидан чиқиб кетай дейди. Оғзим қуруқшаб, тилим калимага келмасди. Ҳеч қаёққа қочиб қутулмасдим. Ҳарбий интизомда қочиш энг оғир жиноят! Сўзсиз отувга ҳукм қилинади. Ўзим, ота-оналарим, қариндошлар шармандаю шармисор бўлишади. Мен ишловчиларнинг эҳтиётсизликларини кўриб жонимни баттар ҳовучлайман. Кема истадланган вақтда портлаб кетиши мумкин. Мен ўзимни қўлга олишга, тасалли топишга, бирор қарорга келишга интилардим. Ниҳоят, Худойим кўнглимга журъат солди. Мен нимадан қўрқаётганимни ҳис қилган ҳолда ўша билан олиша бошладим. "Хўш портлаш рўй берса, нима бўлади? Ҳамма нарса Худодан. Ажалинг етган, кунинг битган бўлса, қандай ўлишинг барибир эмасми? Ахир ўлим ҳақку! Ҳеч ким абадий яшамайди, бир кун ўлади. Бордию бомба портлаб кетгудек бўлса, бу енгил, осон ўлим бўла-

ди. Йиллаб дард, азоб-уқубат тортиб ўлаётганлардан юз кара осон-ку! Сен аҳмоқ бўлма. Ахир буйруқни бажармаган тақдирингда ҳам барибир отиб ташлашади-ку!" Мана шундай ўй-хаёллар ичиди ўзимни қўлга ола бошладим. Ахир бир бошга бир ўлим, деганлар-ку! Ҳа, вазият билан ҳисоблашишга мажбур эдим. Бошқача йўл бўлиши асло мумкин эмасди. Шу тариқа қўрқув ва безовталикини бартараф этиб, ҳарбий топширикни бехатар адо этдим. Бу мен учун жуда катта сабоқ бўлди. Ҳозиргacha ҳаётимда ноқулай, оғир вазиятларга тушиб қолсан, юқоридаги даҳшатли воқеани эслайман-да, "Бу нима бўлибди?!" қабилида қўл силтгайман".

Инсоният тарихида Суқротнинг ўлимидек бирон фожеа рўй бермаган, десак, муболага бўлмайди. Бу ўлим гафсилотини Суқротнинг шогирди Афлотун (Платон) шундай тасвирлаганки, бирон-бир жаҳон адабиётида бундай акс эттирилмаган.

Афинанинг бир қанча хурофотчи, жоҳил кишилари Суқротга қарши турли бўхтон ва ифво уюштирадилар. Уни суд қиласидар ва ўлимга маҳкум этадилар. Суқрот зинданда ётар экан, ўлими олдидан зинданбон унга бир пиёла оғу беради. Зинданбон: "Мардона бўл, иложи йўқ нарсани енгил, хотиржам қабул қил (рози бўл)", дейди. Суқрот унинг кўрсатмасига амал қиласиди. У ўз ўлимини илоҳий амр сифатида мардона қарши олади.

"Мардона бўл, иложи йўқ нарсани хотиржам қабул қил!" Бу сўзлар эрамиздан 400 йил муқаддам айтилган. Бироқ бизнинг кўҳна дунёмизда ҳозир ҳам бу ўлмас жумлага эҳтиёж катта.

Ҳа, мардона бўлинг!

* * *

Хотиржамликнинг моясини оиласида яратиш керак. Оиласида хотиржамлиги йўқ кишиларнинг барчаси аса-

бийлик исканжасидаги баҳтсизлардир. Бу даъвоимизга тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётиби. Эр-хотин ўртасида муттасил давом этувчи можаролар оила осойиштагига мутлақо путур етказади.

Франция императори Наполеон Бонапартнинг қариндоши Наполеон III ўз ҳукмронлиги даврида дунёдаги энг тўзал қиз графиня Тебская, яъни Мария Евгения Августина де Монтихони севиб қолади ва унга уйланади. Гарчанд мулозимлари унга бу малоҳатли аёлнинг келиб чиқиши бетайинлигини, аллақандай номаълум испаниялик графнинг қизи эканини айтишса-да, ўз билганидан қолмайди. Навқирон йигитнинг қалби муҳаббатдан тўлиб-тошган, мафтун бўлиб қолганди. "Мен ана шу ҳеч кими йўқ аёлни севиб қолдим. Уни жудаям ҳурмат қиласман", дея мулозимларига жавоб қиласиди.

Келин ҳам, қуёв ҳам соғлом, куч-қувватга тўлган пайт эди. Боз устига, салтанат, шуҳрат, бойлик, гўзаллик - буларнинг ҳаммаси ишқибозлиқ учун етарли эди. Севишганларнинг муқаддас никоҳи машъали ярқираб кетганди.

Надоматлар бўлсинки, бу муқаддас машъала ҳеч қанча фурсат ўтмасдан сўна бошлади. Бу ўтли муҳаббат ўзидан кўмирдай қора кул қолдириб, ҳарорат йўқолди. Наполеон Евгенияни бу гаройиб Франциянинг қироличаси дарражасига кўтариши лозим эди. Аммо унинг тожу тахт, куч-қурдати, порлоқ муҳаббати Евгениянинг инжиқликларини, асоссиз рашкларини енгишга ожизлик қиласиди.

Евгениянинг тихирликлари шу даражага етдики, асло Наполеонни ёлғиз қолдирмасди. Ёки хуфия пойлоқчилар орқали назоратни кучайтиради. Исталган вақтда унинг иш идорасига бостириб кирав, давлат ишларини бажаришига халақит берарди. Ўзга давлат вакиллари билан музокаралар олиб бораётган пайтда ҳам писанд қилмай гашриф буюрар, музокараларни барбод қиласиди.

Евгения эрини қизғонар, ҳар доим танишларига, опасига ёмонлар, бақириб, тўс-тўполон қилиб йифларди. Иш

шу даражага етиб бордикى, Наполеон Евгенияга дуч келиб қолса, қочгани жой тополмай қолди. Хүш, бунча ноўрин хархашалари билан Евгения нимага эришди?

Мен сизга Е.А.Рейхардтнинг "Наполеон ва Евгения. Бир ҳокимиятнинг икки кўриниши" номли кишини лол қолдирувчи китобидан қўйидаги парчани келтираман: "Вазият шу даражага етдики, бора-бора Наполеон чиндан ҳам ўзга хонимлар суҳбатига ошиқадиган, ҳаво алмаштириш баҳонасида файритабии "сайл"ларни истайдиган бўлиб қолди. Бундай шароитларни яратиш учун унинг яқин кишилари ҳамиша ҳозиру-нозир эдилар. Наполеон чапаничасига кийиниб олиб, махфий эшик орқали дўстлари назоратида маҳсус ишратхонага йўл оларди. Гоҳо шаҳарнинг ажойиб кечаларида сайр қилиб, ўзини овунтиради..."

Мана, Евгения нималарга эришди! Тўғри, бу аёл Франция маликаси тожини кийди. Чиндан ҳам Евгения ҳаддан ташқари чиройли аёл эди. Бахтга қарши, салтанатдаги тутган юксак мақомлар, унвонлар, мол-мулк, гўзаллик, муҳаббатни асраб қолишига қодир эмасди. Ўзининг ноҳуш хатти-ҳаракатлари, жазавалари билан Наполеоннинг кўнглини совутиб юборди. Инжилда "Нимадан қўрқсанг, ўшанга рўбарў бўласан", деганлари ҳақ.

Ўз далилига эга бўлмаган бўхтон ва рашқ, ҳаддидан ўтган эркалик, таннозликдан туғилувчи инжиқлик, гумонсирашлар севгини емиради, ҳалок қиласди.

* * *

Граф Лев Николаевич Толстой ҳаётида ҳам - умри поёнида ана шундай чидаб бўлмас фожеа рўй берган эди. Бу можаро ва кулфатлар сабабчиси хотини эди. Ваҳоланки, Толстой жаҳон адабиётига "Уруш ва тинчлик", "Анна Каренина" каби мумтоз асарлари билан кириб келган тирик классик адаб эди. Солномаларда қайд

этилишича, ўша пайтдаёқ ер шарида энг кўп ўқиладиган ёзувчи Лев Николаевич Толстой эди. Умрининг сўнгти йигирма йили - 1890-1910 йилларда унинг мухлислари қариб ҳар куни бу тирик классикни зиёрат қилиш учун дунёнинг турли минтақаларидан келишарди. Уни бир кўришга, овозини эшитишга, қўл-оёғини тавоғ қилишга интилишарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни мухлислари гўё илоҳий ваҳийдек ёзиб олишарди.

Мен сизга айтмоқчи бўлган асосий гап бошқа ёқда. Толстой ўзига муносиб, дилбар аёлга уйланади. Улар шу қадар бахтли ҳаёт кечиришар эдики, биргалиқда тиз чўкишиб, бахтли турмушлари, фароғатли кунларининг узоқ, бардавом бўлишини сўраб Аллоҳ таолога муножот қилишарди. Адиблик шуҳрати, мол-дунё, эътибор ва эътироф ўзининг олий чўққисини забт этган эди. Болалар, уларнинг тарбияси, эмин-эркин хизматкорлар, мамлакат миқёсидаги ташрифлар, ҳамма-ҳаммаси рисоладагидан ортиқ эди. Таассуфки, Толстойнинг хотини табиатан рашкчи эди. У деҳқон аёллари кийимида Толстойнинг ҳар бир қадамини кузатишдан тоймасди. Кексайган сари у эрини ҳатто ўз фарзандларидан ҳам қизғонарди. Тарихда ёзилишича, ана шундай телбавор жазавалардан бирида қўлига қурол олиб, қизининг девордаги фотосуратига қаратса ўқ узган. У додлаб полга ўзини урап, хонани бошига қўтариб бақирав, ўз жонига сунқасд қилишгача уринарди.

Бундан ташқари, аёл табиатида очкўзлик, молпарастлик хуружи ҳам кучаярди. Гўзал ва фозила бўлган бу аёл эндиликда ўз дилбарлигини йўқотган, бир умр беҳаловат дардга йўлиқкан кимса эди.

Хўш, Толстой бунга қандай қараган? Мен унинг хонадондаги барча мебел-столларни ағдар-тўнттар қилиб, синдириб ташлаганини таъна қилмоқчи эмасман. Унинг тутган йўли хотининикидан ҳам ўтиб тушган, десам, муболага бўлмайди. У кундалик тутиб, саҳифаларида хо-

тиининг құлмишларини фош этиб ташлайди. Хотини кундаликни топиб олиб, ўзига "бағишлиңган" саҳифаларини йиртиб, ёқиб юборади. Ҳатто қасдма-қасдига "Кимнинг айби?" номли роман ёзиб, эрини адолатсиз, зўравон, ўзини эса рўшнолик кўрмаган муштипар аёл қиёфасида тасвирлайди.

Яна бир манбада ёзилишича, Толстой шуҳрат чўққисига етишгач, аста-секин унинг табиатида ҳаётга дарвешона мойиллик кучайиб борган. У бутун мол-мулкини хизматкорларига, қашшоқларга бўлиб берган. Фақирона турмуш тарзига ўтган. Далада ўзи ишлаб, ўтин ёрган, пичан йиққан, кийим-кечак, пойафзалларига ўзи қараган. Ёғоч идишда овқатланиб, ўзи ювган. Бир сўз билан айтганда, Исо алайҳиссалом ҳаётларидан намуна олишга ҳаракат қилган Толстой ҳатто ўз душманларига ҳам илтифотли бўлишга интилган. Ишнинг бу тарзда давом этиши графиня Толстаянинг табиатига мутлақо зид эди. Шугариқа ўртада қарийб ярим аср можаро ва фожеалар ривожланиб борган.

Эри билан муттасил ўчакишиб яшаган хотин охироқибат нимага эришди?

Толстой бу чидаб бўлмас оиласи қулфатлардан қутулиш учун 82 ёшида юпун бир ҳолатда қорли октябрининг 1910 йилида номаълум томонга қочиб кетишга мажбур бўлди. Орадан ўн бир кун ўтгач, кичик бир темир йўли станциясида шамоллашдан вафот этади. Ўлими олдидағи васиятида жасадини кўргани келган хотинини ҳузурига киритмасликни қатъий илтимос қилган.

Хотини умри охирида қизларига "Мен чиндан ҳам тентак эканман, отангизнинг ўлимига мен сабабчиман", дей икror бўлади. Қизлари буни билишса-да, лом-мим дейишмайди. Чунки энди бу жудаям кеч, фишт қолипдан кўчган эди.

Биз бу ўринда асосий айбор ким эканини муҳокама қилишдан йироқмиз. Қолаверса, ҳар кимнинг ўз муам-

моси ўзига етарли. Бундай фожеаларнинг олдини олиш учун "Бас! Тўхтатайлик, аксинча, ҳалок бўламиз", деган қарорга келиш кифоя! Ҳал қилувчи ечимни топиш ўзингизга ҳавола...

* * *

Авраам Линcolnнинг ҳаётидаги улкан фожеа ҳам унинг никоҳи бўлган. Эътибор беринг, унинг фожеаси отиб, суиқасд қилиб ўлдирилиши эмас, никоҳ бўлган. Линcoln уни аламзада плантаторлар (кatta ер эгалари) ёллаган қотил Бут отгандан кейин ҳам унга суиқасд қилинганини дарҳол англаб ололмаган, аммо қарийб чорак аср мобайнида хотинидан ҳар лаҳза безиллаб яшаган. Ҳуқуқшунос Герндон "Омадсиз никоҳ меваси" деб бу ҳолга баҳо беради. Бу гап анчайин юмшоқроқ айтилган. Негаки, Линcoln хоним йигирма беш йил мобайнида эрини эговлаб, масхаралаб ўтган.

Линcoln ўта басавлат киши бўлган. Хотини умр бўйи унинг жисмоний "нуқсон"ларини, ҳаракатларини калака қилган. Чунончи, унинг оёқ-кўллари ҳаддан ташқари катталиги, шалпангқулоқлиги, тиззаларини букиб, ҳиндуларга ўхшаб оёғини судраб босиши, бурнининг тўғри эмаслиги, пастки лунжининг осилиб туришини ҳамма вақт масхаралаб, доимо танбеҳ бериб келган. Масалан, "Оёғингни судрамай қадам ташла", "Елкангни тўғри тут", "Қўлингни саланглатмай юр" каби. Ҳарқалай, эрини ўз измида тутишга, "тарбиялаш"га интилган.

Очигини айтганда, Авраам Линcoln ва Мэри Todd Линcoln барча ўзаро муносабатларда мутлақо қарама-қарши ҳолатларда бўлишган. Уларнинг тарбияси, дунё-қараши, келиб чиқиши, хоҳишлари, интилишларida ер билан осмонча фарқ бор эди. Улар ҳамиша бир-бирларидан норози ҳолда ғазабланиб яшашган.

Кўзга кўринган линcolnиншунос марҳум сенатор Альберт Жон Бевирж ўз эсдаликларида шундай ёзди: "Линcolnин хонимнинг бор овоз билан эрини камситувчи, ҳақоратомуз сўзлари кўчанинг бошқа томонидан эшитилиб турарди. Унга яқин қўшнилар тез-тез унинг бақирчақириларидан хабардор бўлиб туришарди".

Ҳаётларидаги мана бу лавҳаларга эътибор беринг. Никоҳ тўйидан сўнг улар Спрингфилддаги Жейкоб Эрли хонимнинг пансионатида яшашади. Бир куни эр-хотин нонушта қилишаётган эди. Линcolnин қандайдир бир ҳаракат қиласи. Бу хотинининг ғазабини қайнатиб юборади ва ... бу хуруж асносида бир пиёла қайноқ кофени эрининг юзига сочиб юборади! Бу воқеа пансионда яшовчи бошқа кишилар олдида бўлганди.

Линcolnин хотинига лом-мим демайди. У ҳақоратланган кўйи жим турарди. Эрли хоним намланган сочиқ билан юзини, кийимларини артиб қўйгунча миқ этмайди.

Линcolnин хонимнинг инжиқлиги, рашкчилиги, калтабинлиги, беҳуда хархашалари борасидаги қилиқлари жуда кўпчиликка маълум ва машҳур эди. Табиатан феъли тор, зиқна бўлган бу аёл ҳам умр бўйи беҳаловат яшаган.

Ҳозиргача Линcolnин қандай ҳаракат содир этган-у, нега хотини қайноқ қаҳвани юзига сочиб юборганини ҳеч ким билмайди.

Хотинининг хурмача қилиқлари Линcolnинни ўзгартира олдими? Ҳа, анчагина ўзгартириб юборди. Иложи борича жамоатчилик жойларида, давраларда хотини билан камроқ бўлишга ҳаракат қиласи. Улар яшаётган Спрингфилдда адвокатлар кўплигидан бошқа қишлоқ ва шаҳарчалардаги суд ишларида иштирок этишарди. Ҳафталақ давом этадиган бундай ишлардан сўнг ҳамма шанба - дам олиш кунларида уйларига, оиласарига қайтишга ошиқишарди. Аммо шўрлик Линcolnин уйига боришига безилларди. У уч ой баҳор, уч ой ёзда қишлоқ-ма-қишлоқ, шаҳарма-شاҳар кезиб иш билан банд бўлар-

дию Спрингфилдга асло яқинлашмасди. У шароити ноқулай меҳмонхоналарда яшаб, маза-матрасиз ошхоналарда тамадди қиласи. Фақат хотинининг "дийдор"идан нари туришгина унга ҳузур-ҳаловат бағишиларди. Ҳа, у ҳамма нарсага чидарди, фақат хотинининг дийдлерига асло тоқати етмасди.

Ваҳоланки, Авраам Линcolnин машҳур ҳуқуқшунос, нотиқгина эмас, балки инсоният тарихида буюк ислоҳотчи, назариётчи, тадбиркор давлат арбоби - АҚШнинг тараққиётида муҳим бурилиш ясаган президент эди! У қулларни озод ва тенг ҳуқуқли қилиш, мамлакатни бирлаштириш, ер ислоҳоти ўтказиш, мамлакат конституциясида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи foяларни акс эттиришнинг биринчи толмас ташаббускори ва ижрочиси эди. "Ярим ҳалқи қул, ярми озод кишилардан иборат мамлакат ҳукумати узоқ яшай олмайди", деган оламшумул ибора ҳам Линcolnинг тегишлидир. Афсуски, шахсий ҳаётida рафиқасининг бадфөъл сиртмоғидан боши ҳалос бўлмади.

Муҳтарам ўқувчим! Келинг, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: малика Евгения, графиня Толстая, Линcolnин хоним учун бу қадар довруқли ҳаётда нима етишмас эди? Бу қадар фожеа ва кулфатлар содир бўлмаслиги мумкин эди-ку!

Кўп йиллар давомида Нью Йоркда судья бўлиб ишлаган Бесси Хамбургернинг таъкидлашича, оиласаги ички низолар, аёлнинг тўхтовсиз инжиқликлари эркакларнинг уйидан бош олиб чиқиб кетишиларига сабаб бўлар экан. "Бостон+пост" газетасининг ёзиича, хотинларнинг эрининг инон-ихтиёрини ўз қўлига олишга, оила ҳукмронлигига эришишга интилишлари шахсий оиласавий турмушни барбод қилишга олиб келади. Бу аста-секинлик билан турмуш ўртоғини тириклиайн гўрга тиқишининг ўзгинасидир.

Оила самимий тенгликда баравж дараҳтдек яшнайди. Асло эр-хотиннинг теппа-тенг бир-бирига ташланишида эмас.

* * *

Машхур адаб, кейинчалик кўзга кўринган давлат арбоби даражасига кўтарилиган Уильям Дизраэли бир вақтлар шундай деган экан: "Мен ўз ҳаётимда кўплаб хатоларга йўл кўйишим мумкин, аммо ҳеч қачон севиб уйланмайман".

Ҳа, у дастлаб ҳаётга ана шундай ибора билан кириб келди. Чиндан ҳам ўттиз беш ёшгача уйланмай, бўйдоқликда яшади. Кейин эса анчайин мол-мулк эгаси бўлган ва ўзидан ўн беш ёш катта бўлган аёлга ўзига турмушга чиқишини таклиф қилди. Аёлнинг соchlарини эллик йиллик қиши фаслининг қорлари оқартириб юборган эди. Бу муҳабbat эдими? Асло. Аёл ўзини севмаслигини жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам аёл йигит таклифига жавобан битта шарт кўйди: унинг юриш-туришини, феъл-атворини яхшироқ билиб олиш учун бир йилча муҳлат сўради. Белгиланган муддат келганда аёл унга турмушга чиқди.

Бойвучча бева ҳам унинг шұхратига, навқиронлигига, келишган қадди-қоматига учгани йўқ. Воҳаланки, бева соддадил, оқкўнгил, самимий бўлиш билан бирга адабиёт, санъатдан анча йироқ, сиёсатдан бехабар, омироқ аёл эди. Аммо дид билан кийинишни, озода-саришталикни, таом тайёрлаш, уй тутишни, беғубор муомалани ўрнига қўя оларди. Оиласда эрининг ҳақ-хуқуқи, қадр-қиммати қандай бўлишини энг ахлоқ-одобли аёллардан-да яхшироқ биларди. Ҳаётда аёл киши эри билан муносабатда бўлиш санъатини чукур билмагунича оиласда самимий иқлим вужудга келмайди.

Аёл ҳеч қачон Дизраэлини қизиқтирган, интилган нарсаларига, хоҳишларига қарши турмай, доимо уни кўллаб-куватлаб рафбатлантириб турган. Қачонки эри кун бўйи ишдан - турли тўқнашув, музокара, ёзув-чиズув, баҳслар-

дан ҳориб-чарчаб уйга кириб келар экан, эсон-омон қайтиб келганини қутлаб, одатига кўра, унинг дам олишини, асабларидаги тангликнинг бартараф бўлишини таъминлашга беминнат ҳаракат қиласади. Эри учун алоҳида кенг ҳонани истироҳатгоҳ қилиб берганди. Унда эрининг кўнглини кўтарувчи, завқ бағишловчи ҳамма ашёлар мавжуд эди. Дизраэлининг эътироф этишича, бу хонадонда ўзининг улуғ ёшдаги рафиқаси билан энг бахтли онларини ўтказган. Аёли Мери Эни ҳеч қачон ундац қаерда бўлганини, нега кеч қолганини, кимлар билан учрашганини ски нима қилмоқчи эканини сурнштирмасди. Ўзи сўраған нарсаларигагина муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат ғиларди. Ҳеч қачон бегонаю таниш-билишларига эри ҳақида нолиган эмас. Улар шу қадар бир-бирига ўрганиб кепшигандики, ортиқчаси ортиқлик қиласади. Бора-бора Дизраэли учун Мери Эни энг биринчи таянч, ҳамкор ва маслаҳатчи эди. Ишдан уйига ошиқиб қайтаркан, кундалик воқеаларни, муаммоларни аёли билан муҳокама қилишга, тўғри холоса топишга интиларди.

Мери Эни Дизраэли билан ўттиз йил бирга бахтли ҳаёт кечирди. Шунча давр мобайнинда Мери Эни ўзини эрининг канизагидек тутиб, хизматида фидойилик кўрсатди. У ўзининг бор бисотини, қалб кўрини, ҳатто бойлигини эрининг ҳаётини енгиллаштиришга, қувноқ бўлишига бахшида этди.

Хўш, бунчалик садоқат, фидойилик эвазига Дизраэли Мери Энга нима берди? Дизраэли аёлга бағишлиб ўз асарини ёзди ва бош қаҳрамон қилиб олиб чиқди. У Англия қироличасидан 1868 йилда хотинига виконтесса (олий мартабали аёл) мақомини олиб берди.

Ҳеч қачон бу оиласда бир-бирларини камситиш, тандид қилиш, араз ва фийбат бўлмаган. Эр ҳамиша хотинининг ор-номусини, шарафини ҳимоя қилиб келган. Умрларининг сўнгти дақиқаларигача ўзаро самимият, меҳрибонлик ришталари мустаҳкам эди.

Эр-хотин ўртасида бўлиб ўтган шундай машҳур диалог (айтишув) бизнинг кунларимизгача етиб келган:

- Биласанми, бир вақтлар сенга бойлигинг учун уйлашандим, - дейди ҳазиллашиб Дизраэли.

- , а, биламан, - дейди аёл кулиб. - Агар сен менга қайтадан уйланмоқчи бўлсанг, энди бойлигим учун эмас, муҳаббатим учун уйланган бўлардинг, тўғрими?

- Худди шундай! - дея эътироф этади эри.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Мери Эни камолотга етишган аёллар тоифасидан эмасди. Аммо Дизраэли етарлича билим ва тажрибага эга бўлган ақлли киши эди. У ўз вақтида хотинининг қизиқишларини ҳисобга олар, кўрсатар, ўргатар эди. Бошқачароқ ифодаласак, хотини ни маломатсиз бошқаришни яхши биларди.

Генрих Жеймснинг шундай сўзи бор: "Биринчи галда муомалада бошқа кишилар билан самимий алоқада бўлишни била олсак ва ўргатолсак, бундан кўра юксакроқ эзгуликни излаш ортиқчадир". Бахтли яшаш учун бахтни асрар, ҳимоя қилишни ҳам билиш лозим.

* * *

Бир куни олти президент - Вильсон, Хардинг, Кулиж, Гувер, Рузвельт ва Трумэннинг ишончли маслаҳатчиси бўлган Бернард Барухадан "Ўзгаларнинг гап-сўзларидан, рақибларингизнинг камситишлиридан ҳеч хижил бўлгани мисиз?" дея сўрадим. "Мени ҳеч ким пастга уришга, гап-сўз билан безовта қилишга ҳадди йўқ, негаки мен бунга ўзим ҳеч қачон йўл қўймайман", деганди.

Дарҳақиқат, биз ҳеч кимга ёмонликни рано кўрмасак, нега энди бошқалар сизу-бизни безовта қилиши керак? Кайтариқ бўлса-да, эслатиб ўтишга изн берсангиз: қандай салом берсак, алик ҳам шундай бўлади.

Шоир айтмоқчи:

Суягим синдиromoғи мумкин тош ва таёқ,
Гап-сўзлар ярадор қилолмас бироқ...

Инсоният тарихида художўй кишилар ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонликни рано кўрмаганлар. Ҳатто душманлари билан ҳам муроса қилиб, Яратгандан уларга инсоф-тавфиқ тилаб дуо қилгандар. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: энг ишончли йўл душманларингизни кечириш ва унугишидир. Сиз уларни кечиролмас экансиз, демак, ҳали юрагингизда кек-адоват, қасос алами яшаб турибди. Билингки, бу ўч олиш туйфуси сизни беҳаловатликнинг тубсиз ўпқонига ғарқ қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Кечиринг ва уни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ана шундагина ҳаёт йўлингизда пайт пойлаб турган хафагарчиликлар ва рақибларингиз ҳам сизга тегмай, заҳмат етказмай ўтиб кетишади.

Туҳмат, ҳасад, баҳиллик, асоссиз танқид нишонга олинган шахснинг тинка-мадорини қуритиб, ҳатто ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Лекин ана шундай аламангез вазиятлардан чиқиб кетиш, уни етарлича таҳлил қилиб, ҳақ ва ноҳақни ажрата билиш ҳам руҳий зарбалар таъсирини сўндиради.

1929 йилда маориф соҳасида Америкада кўз кўриб, кулоқ эшиитмаган шов-шув кўтарилди. Мамлакатнинг кўпгина олимлари бу ҳодисанинг гувоҳи бўлиш учун Чикагога йўл олишди. Бунга сабаб: бир неча йиллар ошхона ходими, ўрмон кесувчи, майда-чуйда савдо билан шуғулланиб кун кўрувчи ёшгина йигит Йель университетига йўл олади. Бу фаройиб йигитчани Роберт Хатчинс деб аташарди. Орадан саккиз йил ўтиб, унинг номзоди Чикаго университети президентлигига номзоди кўрсатилади ва бу лавозимга эга бўлади. У неча ёшда? Ўтиз! Ишониш қийин! Кекса про-

фессорлар бош чайқашарди. Олимлар даврасида янги "вундеркин" түғрисида турли-туман гап-сўзлар қайнаши авж олди. Ҳамма томондан Робертни маломат ва танқид қилишарди: тажрибаси кам, ҳаддан ташқари ёш, у маориф учун ҳеч 1 эрса қиполмайди ва ҳоказо... Ҳатто бу норозиликларга омга тавий ахборот зоситалари ҳам ўшилиб кетганди.

Роберт Хатчинс университет президенти лавозимини қабул қилиш кунида унинг дўстларидан бири отасига - катта Хатчинсга шундай деганди: "Газеталарнинг бош мақоласида ўғлингизга қарши ёзилган сатрларни ўқиб ҳайратда қолдим!" "Шунақами?! - дейди отаси. - Бу аслида адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Аммо шуни яхши биллингки, ўлган итга ҳеч ким тош отмайди!"

Кўряпсизми, мулоҳазали, вазмин кишилар ўзларига қаратилган ҳақоратомуз сўзлардан ҳам тегишли хulosса чиқариб, қониқиши пайдо қила оладилар.

Эътибор берсангиз, кўпинча мартабали, билимдон, ишбilarмон, обрўли, омади чопган ва албатта раҳбар шахсларга нисбатан оломоннинг гап-сўзлари, бўхтон-фийбатлари, бўлар бўлмас танқидлари кулоққа чалиниб туради. Улар ҳеч қачон ўзларини маломат қилишдан тутиб туролмайдилар. Ҳасад, ичиқоралик, кўролмаслик каби салбий иллатлар ҳамиша ишни яхши томонга силжитишга, кишилар, ходимлар ўргасида самимий иқлим яратишга жиддий хавф-хатар солиб келади.

* * *

Бир вақтлар АҚШ президентлигига номзоди кўрсатилган шахсга қарши Йель университетининг собиқ президенти Тимоти Дуайт энг қабиҳ сўзлар билан майдонга тушганди. Ҳатто "Биз унинг келажак фаолиятида даҳрийликка хос ҳаракатларни, ахлоқсизликни, хоғин-қизларимизнинг қонунийлашган фоҳишаларга айланниб кетишини кўриб турибмиз!" дейилганди.

Хўш, бу бўхтонларга дучор қилинган шахс ким эди? Томас Жефферсон. Қайси Томас Жефферсон?! Сиз билан биз ягона Томас Жефферсонни биламиз. Қайсики, АҚШ президенти бўлгач, мустақиллик деклорациясининг асосчиси, чинакам демократиянинг мард байроқдори бўлган Томас Жефферсондир! Тасаввур қила оласизми, юқоридаги маломат тошлари айнан унга қарата айтилганди.

Ирқий камситишларга, қулликка қарши курашган Жорж Вашингтон ҳам сайловгача озмунча масхаралашларга, гийбатларга дучор бўлмаган.

Генерал Грантга кўрсатилган адолатсизлик ҳаммасидан ҳам ўтиб тушади. 1862 йилда генерал Грант шимолни забт этишда бир кундақ ўнутилмас катта ғалабага эришади. Бир лаҳзадаёқ генерал миллий қаҳрамонга айланади. Ғалаба саси олис Европада ҳам катта баҳо олади. Черковлар қўнғироғи кун бўйи бонг уради. Менадан тортиб то Миссисипи қирғоқларига қадар улкан ғалаба гулханлари ёқилади. Бундай дабдаба ва тантаналардан сўнг олти ҳафта ўтгач, шимол қаҳрамони қамоққа олиниб, ўз армияси қўмондонлигидан олиб ташланади. Бу хўрликларга чидай олмасдан У.С.Грантнинг ийлагани ҳам рост!

Нега шон-шуҳрат чўққисида турган генерал ҳибса олинди? Шунинг учунки, унинг ғалабаси қуролли кучлардаги ҳарбий бошлиқларда шубҳа ва кўролмаслик туғдирган эди. Шуни унутмангки, адолатсиз, ноҳақ танқид ташқи кўринишдан аҳамиятсиздек туюлса-да, аслида ниқобланган бомбадан фарқи йўқ. Эҳтимол, генерал Грант бу ғалабани таъминлашда ўз бошлиқларини ҳам шерик қилганида юқоридаги кўргуликлар бўлмасмиди?! Ахир тарихда бундай жазо олган "ўзбoshimcha" саркардалар озмунчами?!

Кўп йиллик тажрибалардан шундай хulosага келдимики, агар кишилар ноҳақ танқид қилсалар, уни қандай қабул

қилиш кераклигини мuloҳаза қилиш лозим. Бу билан мен танқидга нохолис баҳо беришдан мутлақо йироқман. Фақат ноҳақ маломатлардан қандай сақланиш ҳақида ўйлайман.

Мен АҚШ халқаро корпорацияси президенти марҳум Метью С.Брашдан бир вақтлар танқидга муносабатини сўраган эдим. У қуйидагиларни менга айтиб берганди: "Тўғрисини айтсам, йигитлик давримда унча-мунча танқидга асло тоқатим йўқ эди. Ўзимча барча ходим-ишчиларим мени ақлли, ишбилармон ҳисоблашларини жудаям хоҳлардим. Улар мен кўрсатган йўл-йўриқларга салгина эътиroz билдирсалар, портлаб кетиш даражасига етардим. Кўпинча менга қарши фикр билдирганларга нисбатан бошқалар томонидан адабини бердирадим. Ҳатто муносабатларни узишгача борардим. Шу тариқа мени хафа қилувчилар билан орани очиқ қиласдим. Кейинроқ фаҳмладимки, мен ўз танқидчиларим, қаршиликлар овоздини ўчиришга ҳаракат қилганим сари ўзимга душман орттириб, норозиликлар туғилишига йўл очар эканман. Кейин шундай хулосага келдим: оломон устидан кўтариладиган бўлсанг, улар сени албатта муҳокама, сазойи қиласдилар. Сен эса уларга кўникишинг даркор. Шундай қилиб, имкониятимда нима бўлса, муроса сари қадам ташлайман. Бошқа вақт эски шамсиям (зонтик)ни кенг очиб, ноҳақ танқид ёмғирлари остида қолмаслик учун бошим узра тутиб кетавераман".

* * *

Мана бу лавҳани ҳам кўздан ўтказинг. Дейлик, сизни кимдир "Ярамас, аҳмоқ!" деб ҳақорат қиласа, нима қилган бўлардингиз? Хафа бўласизми? Ёқасидан оласизми?! Эътибор беринг-а, Линcolnин бунга қандай қараган?! Унинг ҳарбий министри Эдвард М.Стэнтон бир куни ана шундай ҳақорат қилган. Маълум бўлишича, Линcolnин

худбин бир сиёсатчининг даъволаридан келиб чиқиб, бир қанча полкларни кўшиб юбориш юзасидан фармон чиқарди. Стэнтон бу фармонни бажаришдан бош тортибигина қолмасдан, шундай бемаъни фармонни имзолаган Линcolnини ҳақорат қиласди. Стэнтоннинг бу ҳаракатини Линcolnинга етказишиади.

Хўш, кейин нима бўлди? Линcolnин хотиржам шундай дейди: "Агар Стэнтон шундай деган бўлса, эҳтимол, у ҳақ. Ростдан ҳам мен аҳмоқлик қилгандирман. Бу масалани ўзим ҳал қилишимга тўғри келади". Шу қарорга келгач, ўзи Стэнтон ҳузурига йўл олиб, масалага ойдинлик киритишини сўрайди.

Стэнтон ҳарбийларга хос заковат билан фармоннинг қабул қилинишидаги хатоларни исботлаб, ишонтира олади. Линcolnин фармонни бекор қилиб, дўстона хайрлашади.

Линcolnин ўз фаолиятидаги хато ва қусурларга нисбатан билдирилган танқидий мuloҳазаларни ҳамиша маъқуллаб, уни тузатишга ҳаракат қилган. Ҳеч қачон кек сақлаб, тазиқ ўтказишга интилмаган.

Беғараз, ошкора танқидни самимий қабул қила билиш лозим. Ҳар ҳолда хато қилмайдиган, адашмайдиган киши йўқ. Теодор Рузвелтдек киши ҳам Оқ уйда эканида "Ҳар гўрт ишимииздан учтасида хато қилишимиз мумкин", деган экан. Замонасининг энг мuloҳазакор кишиси бўлган Эйнштейн эса чиқараётган илмий хулосаларининг 99 фоизи хато бўлиши мумкинлигини тан олган.

* * *

"Бизнинг шахсий мuloҳазалармиздан кўра рақибларимизнинг фикри ҳақиқатга яқинроқ", деган экан Ларошфуко.

Бу гап кўпинча ўз тасдифини топганини мен тажрибадан биламан. Ҳар ҳолда кимдир мени танқид қила бошласа, ҳали гап нима устида кетаётганини фаҳмла-

май турибок, ўзимни мудофаа қилишга тушиб қоламан. Мана шундай ҳолга тушганимда кўпинча ўзимдан норози бўлиб кетаман. Гапнинг очиғи, ҳаммамиз ҳам бизни танқид қила бошлашса, бир ўзгариб оламиз. Аммо бизни мақтай бошлашса, шунга лойиқмизми, йўқми, хурсанд бўлиб кетамиз.

Лекин мантиқ - ҳақиқат бизнинг ҳусусий мулкимиз эмас. У ҳеч қандай ҳис-туйфуларга бўйсунмайди. Мантиқ довул кўтарилаётган ҳис-туйфулар уммонида бемон тебранаётган қайиққа ўхшайди. Туйфулар алдамчидир. Мантиқ тўғри, холис ечимга келиш билан кучлидир. Очигини айтганда, ҳаммамизнинг ҳам ўзимиз ҳақимиздаги фикримиз жуда баланд. Унча-мунчага эгилмаймиз, деб ўйлаймиз. Аммо орадан ўттиз-қирқ йил ўтгач, аввалги феъл-авторимиз, мулоҳазаларимиздан ҳозирга келиб хижолат тортамиз, ўз устамииздан кула бошлаймиз. Кeling, бирор танқидий фикрга дуч келсак, Эйнштейндек мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ахир шундай машҳур олим 99 фоизгача адашишим мумкин, деб тан олганида, лоақал, биз ўзимизни 80 фоизга янглишган ҳисобласак, бирор нарса ютқазамизми?! Балки шу танқидга муносибдирмиз!? Мулоҳаза билан камчилигимизни юзимизга айтган кишига миннатдорчилик билдириб, хатоимизни тўғрилаб олганимиз маъқул эмасми?

Чарлз Лакман "Пепсодент" компаниясининг президенти бўлган. У радиода ташвиқот рекламалар учун йилига миллион доллар ажратади. Гап шундаки, будастур тингловчиларидан минглаб хат-хабарлар келиб туради. Лакман мақтовга тўла хатларни эътиборсиз қолдирган. Таклиф, мулоҳаза ёки танқидий фикрлар билдирилган хатларни дарҳол ўзига етказишни талаб қилган. У бу мактублардаги фойдали тавсияномаларни ҳамиша юксак қадрлаб, амалиётда қўллашга интилган.

Шахсий ҳаётингизда ҳам бундай мисоллар кўплаб учрашига аминман. Хуроса шуки:

- оиласа, ишхонада, жамоат жойларида, кўпчилик олдида шахсиятга тегадиган қалтис сўз ва танқид қилишдан сақланинг;
- хато-камчиликларни тан олиш ҳам илм ҳисобланади;
- танқид қилувчилар билан ўчакишманг, кек сақламай, фойдали қарор қабул қилишга интилинг;
- Эйнштейндек киши 99 фоизга янглишиши мумкинлигини тан олганда сиз-у биз ҳам мантиқдан узоқлашмаслигимиз лозим. Хатони билиш келгусидаги муваффақиятимизга мустаҳкам пойдевордир.

Ёдингизда тутинг: ҳеч ким ўлган итга тош отмайди.

* * *

Янги саҳифаларда учрашгунча омон бўлинг...

БОЛГАРДА ОЛГАНИДА СИРХАДАРЛАВА
САҲИФАЛАРДА ОЛГАНИДА СИРХАДАРЛАВА

ЧАРЛЗ ЛАКМАН 1906-1985. НАДІРДЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ 1900-1905-ЧАРЛЗ ЛАКМАН НАДІРДЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ
1900-ЧАРЛЗ ЛАКМАН НАДІРДЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ 1900-ЧАРЛЗ ЛАКМАН НАДІРДЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ

СИРХАДАРЛАВА САҲИФАЛАРДА ОЛГАНИДА СИРХАДАРЛАВА
СИРХАДАРЛАВА САҲИФАЛАРДА ОЛГАНИДА СИРХАДАРЛАВА

Дейл КАРНЕГИ

ЧИДАШ САНЬЯТИ

Сиз излаган китоб

Муҳаррир: Зуҳра Ҳамдамова

Техник муҳаррир: Алишер Рўзиматов

Мусаҳҳиҳа: Нилуфар Кўчқорова

Теришга берилди: 20.03.2009 й. Босишга рухсат этилди: 23.03.2009 й. Бичими: 84x108 32/1. Офсет босма. Шартли босма табоғи: 2.75. Адади: 1000. Баҳоси келишилган нархда. 23-03-сон буюртма.

«ALOQA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кӯчаси, 125-й.